
Прокурор ташаббуси билин қурилиши режалаштирилган боғчага пойдевор қўйилди.

Қува тумани прокурори Отабек Тошматов ташаббуси билан 2-сектор ҳудудидаги Оққўрғон маҳалла фуқаролар йиғинидаги қарийб 25 сотих ер майдонида 90 ўринли боғча қурилиши режалаштирилган эди.

Бугун ушбу мактабгача таълим муассасаси қурилиши бошланиши муносабати билан туман ҳокими Халимжон Умаров, туман прокурори Отабек Тошматовлар томонидан бинонинг биринчи ғишти қўйилди.

Маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққан маҳалла оқсақоллари ушбу боғча ҳудуд ёшларининг комил инсон бўлиб етишишларига ҳизмат қилиши, шунингдек мамлакатимиз ривожини учун содиқ фарзандлар камолга етишида ҳизмат қилиши тўғрисида сўз юритилди.

Мазкур таълим муассасаси қисқа муддатларда қурилиб, ҳудуд аҳолиси учун фойдаланишга топширилиши бўйича келишиб олинди.

2022-04-08 16:34:35